

**ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА СОДИР БЎЛГАН “ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТ”ЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ОМИЛЛАРИ ВА САБАБЛАРИ****Расулов Орифжон Абиджанович***Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Магистратура
тингловчиси, майор*

Аннотация: Ушбу мақолада фавқулодда вазиятлар тушунчаси, унинг келиб чиқиш омиллари ҳақида сўз боради. Шунингдек, хорижий давлатларда содир бўлган фавқулодда вазиятларнинг келиб чиқиш омиллари ва сабаблари муҳокама чиқилади.

Аннотация: В данной статье говорится о понятии чрезвычайных ситуаций, факторах их возникновения. Также, будут обсуждены факторы и причины чрезвычайных ситуаций, произошедших в зарубежных странах.

Annotation: This article talks about the concept of emergency situations and the factors of their occurrence. Also, factors and causes of emergencies that occurred in foreign countries will be discussed.

Калим сўзлар: фавқулодда вазиятлар, zilzila, sel, фавқулодда вазиятларни олдини олиш, хориж тажрибаси.

Ключевые слова: чрезвычайные ситуации, землетрясение, наводнение, предотвращение стихийных бедствий, зарубежный опыт.

Keywords: emergency situations, earthquake, flood, disaster prevention, foreign experience.

Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг асосий вазифалари – аҳоли ва ҳудудларни фақулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ягона концепциясини белгилаш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; табиий ва техноген тусдаги фақулодда вазиятларни башорат қилиш, уларнинг иқтисодий-ижтимоий оқибатларини баҳолаш; фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, инсонлар хавфсизлигини таъминлаш, хавфли технологиялар ва ишлаб чиқаришлар таваккалчилигини камайтириш, объектлар барқарорлигини оширишга қаратилган мақсадли ва комплекс илмий-техник дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; аҳолини, бошқарув органларни, куч ва воситаларни доимий тайёргарлагини таъминлаш; аҳоли ва ҳудудларни фақулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги ахборотларни йиғиш, ишлаб чиқиш ва алмашиш; фавқулодда вазиятларни бартарф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш; аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат экспертизаси, назорати ва текширувини амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш; фавқулодда вазиятлардан зарар кўрган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид тадбирларни амалга ошириш; аҳолини ва фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишда бевосита қатнашган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш; аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик қилишдан иборат.

Хўш, фавқулодда вазиятлар тушунчаси ўзи нима? Фавқулодда вазиятлар – инсонларнинг қурбон бўлишига, уларнинг соғлиги ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талофатлар келтириб чиқаришга ҳамда инсонларнинг ҳаёт фаолияти шароитининг издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офатлар натижасида, муайян ҳудудда юзага келган ҳолат тушунилади. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш эса – фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари, усуллари, воситалари, тизими, сай-ҳаракатлари мажмуасидир.

Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг таркибий тузилиши – ҳудудий ва функционал куйи тизимлардан ва республика, маҳаллий ва объектлар миқёсида уч даражага эга бўлади. Ҳудудий куйи тизимлари Қорақалпоқ Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳамда тегишли равишда шаҳарлар, туманлар, қишлоқлар ва овуллар миқёсидаги буғинлардан иборат бўлади.

Инсоният ўзининг ҳаёт фаолиятида турли хил кўринишдаги, табиий, техноген, экологик ва антропоген хавф-хатарларга дуч келади. БМТнинг маълумотига кўра, ўтган асрнинг 80-йилларида дунё аҳолисининг 3,5 %, XXI асрнинг биринчи ўн йиллигига келиб, 4% яқин аҳоли фавқулодда вазиятлардан азият чеккан. Бундай ноҳушлик бизнинг асримизда ҳам, ундан кейин ҳам кузатилиши муқаррар.

Фавқулодда вазиятлар хавфининг тарқалиш тезлигига кўра, улар куйидаги гуруҳларга бўлинади: тасодифий фавқулодда вазиятлар: ер 22 силқиниши, портлаш, транспорт воситаларидаги бахтсиз ҳодисалар ва бошқалар; шиддатли фавқулодда вазиятлар: ёнғинлар, заҳарли газ отилиб чиқувчи портлашлар ва бошқалар; мўътадил (ўртача) фавқулодда вазиятлар: сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиофаол моддаларнинг оқиб чиқишидан вужудга келган бахтсиз ҳодисалар ва бошқалар; равон фавқулодда вазиятлар: аста-секин тарқалувчи хавфлар, қурғоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувнинг кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва шу кабилар.

Ҳозирги вақтда БМТ бўйича фавқулодда вазиятлар тавсифига яна қўшимча қилиб, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий тавсифдаги фавқулодда вазиятларни

киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси минтақасида 7 хилдаги фавкулодда вазиятлар турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, (ер сурилиши).

2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар.

3. Кимёвий хавфли объектларда бахтсиз ҳодисалар ва ҳалокатлар.

4. Портлаш ва ёнғинга хавфли объектлардаги бахтсиз ҳодисалар ва ҳалокатлар.

5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги бахтсиз ҳодисалар ва ҳалокатлар.

6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши.

7. Радиофаол манбалардаги бахтсиз ҳодисалар.

Фавкулодда вазиятларнинг пайдо бўлиш омиллари – оғирлик кучлари, ернинг ўз ўқи атрофида айланиши ёки ҳароратлар фарқи таъсири остида пайдо бўладиган, тез кечадиган жараёнлар; конструкция ёки иншоотлар материалларининг зангланишига ёки чиришига, физик-механик кўрсаткичлар таъсирида келиб чиқадиган ташқи табиий омиллар таъсири; иншоотлар лойиҳасидаги ва ишлаб чиқариш нуқсонлари (қурилиш ва лойиҳа ишларидаги хатоликлар, қурилиш материаллари, конструкциялар сифатининг пастлиги, қурилиш ишларининг сифатсиз бажарилганлиги, қуриш ва созлаш ишларида техника хавфсизлигига риоя қилмаслик ва ҳ.з.); ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларида иншоот материалларига таъсири (меъёридан ортиқ кучланишлар, юқори ҳарорат, титрашлар, кислота ва ишқорларнинг таъсири, газ-буғ ва суюқ агрессив муҳитлар, минерал мойлар, эмульсиялар таъсири); саноат ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг ва иншоотларни эксплуатация қилиш қоидаларининг бузилиши (буғ қозонлари, кимёвий моддалар, кўмир конларида метан газларнинг портлаши ва ҳоказо); турли кўринишлардаги ҳарбий ҳаракатлардан иборат.

Энди эса хорижий давлатларда содир бўлган “Фавкулодда вазият”ларнинг келиб чиқиш омиллари ва сабаблари ҳақида сўз юритамиз. Аввало, Россия Федерациясида содир бўладиган “Фавкулодда вазият”ларнинг келиб чиқиш омиллари ва сабаблари ҳақида айтиб ўтсак. Кўплаб россиялик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Россия Федерациясида аҳоли ва атроф-муҳит учун потенциал хавфли бўлган кўплаб йирик саноат тармоқлари мавжуд бўлиб, улардаги технология, назорат ва интизом даражаси ишлаб чиқаришнинг тез пасайиши натижасида жуда муҳим нуқтага тушиб кетади. Хўш, Россия қонунчилигига кўра, фавкулодда вазиятлар тушунчаси нима? Унинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари нимадан иборат? Фавкулодда вазиятлар – техноген, экологик, ҳарбий, ижтимоий ва сиёсий характердаги табиий офатлар, ҳалокатлар ва офатлар натижасида вужудга келадиган, инсон ҳаёти, иқтисодиёт, ижтимоий

соҳа ёки табиий муҳит нормаларидан кескин четга чиқишга олиб келадиган ҳолатлардир.

Россияда фавқулодда вазиятларнинг асосий сабаблари ва омиллари қўйидагилардан иборат:

- ички: технологиянинг мураккаблиги, ходимларнинг малакасининг етарли эмаслиги, дизайндаги камчиликлар, жиҳозларнинг эскириши, паст меҳнат ва технологик интизом.

- ташқи: табиий офатлар, электр энергияси, газ, технологик маҳсулотларнинг кутилмаган узилиши, терроризм, уруш.

Фавқулодда вазиятлар, шу жумладан саноат корхоналаридаги бахтсиз ҳодисалар бешта типик босқичдан ўтади:

- нормал жараёндан оғишларнинг тўпланиши;
- фавқулодда ҳодиса (авария, фалокат) ёки “фавқулодда вазият” бошланиши - авария содир бўлмаган, аммо зарур шартлар мавжуд;
- фавқулодда ҳодиса жараёни (бирламчи зарар етказувчи омилларнинг одамларга, объектларга ва атроф-муҳитга таъсири содир бўлади;
- авария корхона ҳудудини тарк этади ва қолдиқ зарар омилларининг таъсири;
- авария ёки табиий ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф этиш.

Демак, шу юқорида санаб ўтган сабаб ва омиллар фақулодда вазиятларда Россия учун ҳос ҳисобланади.

Энди Украинадаги фавқулодда вазиятларнинг асосий сабаблари ҳақида айтиб ўтамиз. Украинадаги фавқулодда вазиятларнинг асосий сабаблари қўйидагилардир:

- ҳудуддаги ҳаддан ташқари техноген юклар;
- Украинадаги аксарият корхоналарнинг асосий ишлаб чиқариш фондларининг сезиларли маънавий ва жисмоний эскириши;

Моддий-техник таъминотнинг ёмонлашиши, ишлаб чиқариш ва технологик интизомнинг пасайиши;

- ўта заҳарли, радиоактив ва маиший чиқиндиларни сақлаш, қайта ишлаш ва кўмишнинг қониқарсиз ҳолати;
- иқтисодий омилларга, талабларга, стандартларга эътибор бермаслик;
- табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга ва уларнинг оқибатларини камайтиришга қаратилган комплекс чоратadbирларни амалга оширишга тегишли давлат органлари раҳбарларининг етарлича эътибор бермаётганлиги;
- хавфли жараёнларни бошқаришнинг замонавий тизимларининг йўқлиги;
- кадрлар ва аҳолининг экстремал шароитларда ҳаракат қилиш учун паст касбий тайёргарлиги;

- малакали кадрлар этишмаслиги;
- илғор ресурсларни тежовчи ва экологик тоза технологияларни қўллаш даражаси паст.

Кўриб тўрганимиздек, фавқулодда вазиятларнинг келиб чиқиш сабаблари Украина давлатида деярли Россия ва бошқа давлатлар билан ўхшаш, ҳамда салбий омиллар анча талайгиналиги билиниб турибди.

Демак, юқоридаги маҳаллий ва айрим хорижий давлатларда содир бўлган “Фавқулодда вазият”ларнинг келиб чиқиш омиллари ва сабабларини ўрганиш натижасида шуни айтишимиз мумкинки, уларнинг келиб чиқиши ва туридан қатъий назар, фавқулодда вазиятларнинг ривожидида тўртта тавсифдаги фазаларни ажратиш мумкин: ўйғониш фазасининг пайдо бўлиши; ривожланиш, авж олиш фазасининг энг юқори даражаси, энг юксак даражадаги фазаси; пасайиш, тўхташ фазаси, яъни оқибатларини тугатиш. Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг ахборот-бошқарув қўйи тизимлари - фавқулодда вазиятлар вазирлигининг танг вазиятларини бошқариш маркази; фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг ҳудудий ва функционал қўйи тизимлари ахборот - таҳлил марказлари; атроф табиий муҳит ва кучли хавфли объектлар ҳолатини кузатиш ва назорат қилиш органларининг ахборот марказлари; захирадаги шаҳардан ташқари ва шаҳар бошқарув пунктлари; ҳаракатланувчи бошқарув пунктлари; алоқа ва ахборот узатиш воситалари ва автоматлаштирилган тизимларидан иборат бўлмоғи керак. Ана шундагина келиб чиқиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олинган бўлади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизими фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 29.04.2023 йилдаги 171-сон.
2. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” 2-қисм./ Холбаев Б.М., Рахимов О.Д., Махматкулов Н.И., –Т., 2020, 326 бет, ил. – Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма.
3. Военно-инженерная подготовка : учебно-методическое пособие / В. В. Балута [и др.]. – Минск : БГУИР, 2017. – 243 с.:ил.
4. Безопасность жизнедеятельности: Учебник/Под ред. Проф. Э.А. Арустамова. - 5-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2003.

ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР:

1. <https://lex.uz>
2. https://studbooks.net/21212/bzhd/chrezvychnyye_situatsii